

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

---

---

ФАРГОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.  
ILMIY  
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади  
Йилда 6 марта чиқади

4-2017  
август

**НАУЧНЫЙ  
ВЕСТНИК.  
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года  
Выходит 6 раз в год

<b>Г.АКРАМОВА</b>	
Номинатив бирликлар функцияларини ўрганиш ва уларни ўқув жараёнида қўллаш .....	70
<b>Ш.ЮСУПОВА</b>	
Инглиз ва ўзбек тилларида зоонимлар иштирок этган фразеологизмларни таржима қилиш хусусида .....	73
<b>Ғ.ХОШИМОВ, А.ЗИЯЕВ</b>	
“Интенсификация/деинтенсификация” концептуал семантикаси вербализатор- ларининг когнитив типологияси.....	75
<b>Н.АЛИЕВА</b>	
Инглиз ва рус тилларида кичрайтириш маъносидаги фразеологик бирикмаларнинг тиллароро корреспонденцияси .....	82
<b>Қ.КАХАРОВ</b>	
Ўзбек ва немис халқлари мулоқотида паралингвистик воситаларнинг қўлланилиши .....	85

#### ПЕДАГОГИКА, ПСИХОЛОГИЯ

<b>М.АДҲАМОВ, М.ЖАЛИЛОВ</b>	
Бошлангич синф ўқувчиларида иқтисодий маданият элементларини шакллантириш .....	88
<b>З.БОБОЕВА, С.ИУЛДАШЕВА</b>	
Тасвирий санъатга оид энг қадимги маконлар .....	91
<b>Р.ДЖАЛИЛОВА</b>	
Буюк тасвирий санъати усталари ижодининг узлуксиз таълимдаги ўрни .....	94

#### ИЛМИЙ АХБОРОТ

<b>Н.МИРЗАКАРИМОВА</b>	
Эҳтимоллар назарияси ва математик статистика фанини ўқитишнинг баъзи хусусиятлари .....	96
<b>Ш.ЯКУБОВА, Н.НОСИРОВ, З.ОЛИМОВА, Ф.БИЛОЛОВА</b>	
Ўрта маҳсус ўқув юртларида физикадан ўқув тажрибаларининг кўринишлари ва уларнинг вазифаларини ўрганиш .....	98
<b>М.РАСУЛОВА, Ф.РАСУЛОВ, У.БОЛТАБОЕВ</b>	
Қон ва сийдик таркибидаги сийдик кислотасининг миқдорига гиперурикемиядаги боғлиқлигини тажрибада ўрганиш .....	100
<b>Д.ҚОДИРОВА, С.ТЎХТАЕВ</b>	
Кальций хлорат - фосфат учэтаноламмоний – сув системасининг эрувчанлик диаграммаси .....	102
<b>Н.ЖУРАҚЎЗИЕВ</b>	
“Хуастуанифт”да самовий культ функциялари ҳамда осмон билан боғлиқ тушунчалар .....	105
<b>Д.ТЕШАБОЕВ</b>	
“Маснавий ҳикматлари” асарида қўлланган ҳавола бўлакли қўшма гапларнинг шаклий тузилиши .....	107
<b>З.АКБАРОВА</b>	
Тил ва унинг функциялари ҳақида .....	109
<b>З.САЛАХИДИНОВА</b>	
И.С.Тургенев прозасида фразеологик бирикмаларнинг функционал вазифаси .....	111
<b>Н.ҚАРШИЕВ</b>	
Қорақўл териларининг тур ва навларини англатувчи атамалар .....	113
<b>Н.АББАСОВА, М.ХОДЖАЕВА</b>	
Ўқувчиларда хорижий тил савияси ҳосил бўлишида ролли ўйинлардан самарали фойдаланиш .....	115
<b>Б. СОТВОЛДИЕВ</b>	
Инглиз ва ўзбек тилларида лексик жаргон ва арголарнинг лингвистик моҳияти .....	116
<b>Г.ИУЛДАШЕВА</b>	
Информатика фанининг бошқа фанлар билан интеграция алоқалари .....	118
<b>Д.НУРАЛИЕВА</b>	
Оиласа психологик хизмат кўрсатиш орқали шахснинг ижтимоий ўрнини белгилаш .....	121

#### ХОТИРА

<b>Наримон Нурматович ҚОРИЕВ]</b> .....	124
---	-----

#### ТАҚРИЗ. БИБЛИОГРАФИЯ

Библиография .....	125
--------------------	-----

## ЎЗБЕК ВА НЕМИС ХАЛҚЛАРИ МУЛОҚОТИДА ПАРАЛИНГВИСТИК ВОСИТАЛАРНИНГ ҚҮЛЛАНИЛИШИ

**Қ.Кахаров**

**Аннотация**

*Мақолада ўзбек ва немис халқлари мулокотида қўлланиладиган паралингвистик ҳамда новербал воситаларнинг ўзига хос хусусиятлари ҳақида фикр юритилади.*

**Аннотация**

*В настоящей статье рассматриваются вопросы паралингвистических средств, в частности неверbalных средств и их особенностях при использовании в общении узбекского и немецкого народов.*

**Аннотация**

*This article gives information about paralinguistic means, and specific features of nonverbal means which are used in the speech of Uzbek and German people.*

**Таянч сўз ва иборалар:** коммуникация, вербал ва новербал воситалар, имо-ишора, расмий ва норасмий мулокот, тана ҳаракати.

**Ключевые слова и выражения:** коммуникация, вербальные и невербальные средства, жест, мимика, официальная и неофициальная коммуникация, движение тела.

**Key words and expressions:** communication, verbal and nonverbal means, gesture, mime, formal and informal communication, body movement.

Инсоният мулокотни фақатгина вербал воситалар билан эмас, балки новербал воситалар билан, яъни тана ҳаракати, мимика ва гестика билан ҳам амалга оширади. Новербал воситалар вербал мулокотдаги яширин мақсад, эҳтиёж, нуқтаи назар ёки ҳис-туйғуларни аниқ баён этишга, оғзаки нутқ устуворлигини кучайтиришга хизмат қиласди. Эмоционал ҳис-туйғуларни биргина сўзларда акс эттириш анчайин қийинчилик туғдиради. Шунинг учун ҳам биз айтилган фикрни янада яққол намоён этиш учун новербал воситалардан фойдаланамиз. Новербал воситалар қуидаги ҳолларда қўлланилади:

- а) тилни қўллаб-кувватлашда;
- б) нутқ ўрнида қўллашда;
- в) ҳис-туйғуларни ифодалашда;
- г) кишиларга хабар беришда.

Кишилар учун вербал воситаларни қўллашда атрофимиздаги моддий ёки номоддий предметларнинг номланганлиги биз учун қулай имконият яратади. Вербал мулокот фаол эшитиш, саволлар бериш, жавоб қайтариш ва реакция билдириш воситаси ҳамdir.

Новербал мулокотга гавда ҳолати, юз (мимика), кўз ифодаси, сўзлаш оҳангига ва бошқалар киради. Вербал мулокот новербал мулокот асосида амалга оширилади. Шунинг учун

“инсоннинг нимани гапираётганлиги эмас, балки қандай гапираётганлиги муҳим”дир, деб бежиз айтилмаган.

Новербал мулокот ҳис-туйғуларнинг шаффофлигини ифодалашда ёрдамчи восита ҳисобланади. Ҳис-туйғулар дегандан, масалан, кўрқиш, депрессия, шодлик ҳолатлари назарда тутилади.

Новербал сигналлар қуидаги ҳолларда содир бўлади:

1. Бевосита психологик ҳолатларда, ҳеч қандай фикрлар айтилмасдан, масалан, кўнгил айниш, уйқунинг юзага келиши ва ҳаяжондаги юз ҳолатлари.

2. Ифодалашга бой бўлган сигналлар: кўрқув, депрессия ҳолатларида.

3. Бир неча ҳис-туйғу ифодалари онгли равишда содир бўлади, чунки улар умумий тушунарли маъноларга эгадир.

Новербал мулокотнинг эмоционаллигини Виллиам Жеймс ўзининг эмоцион назариясида қуидагича таърифлайди: „Fühlen wir uns traurig, weil wir weinen, wütend; weil wir zuschlagen, ängstlich, weil wir zittern“ [1.549], яъни биз ўзимизни хафа ҳис қилияпмиз, чунки биз йиғляяпмиз, жаҳлимиз чиқяпти, чунки биз уряпмиз, кўрқяпмиз, чунки биз қалтираяпмиз. Бу шуни билдирадики, бизнинг ҳиссиёт оламимиз

**Қ.Кахаров** – ФарДУ немис ва француз тиллари кафедраси ўқитувчisi.

бизнинг тана ҳаракатларимиз билан узвий боғланган. Тадқиқотларда ушбу назария ўз исботини топди. Паралингвистика тадқиқотчилари новербал воситаларнинг кўпроқ қисми мимикада ўз аксини топади, деб таъкидлайди. Киши мимикаси инсон организмининг экспрессив компонентларидан биридир. Мимиканинг турли кўринишларини билиш учун турли ифода шакллари мавжудки, масалан, қандай баҳтли бўлиш, ҳайратланиш, қизиқиш, маъюслик, қўрқув, жаҳл чиқиши, кўнгил айниши, нафратланиш каби юз ҳаракатларининг ўзгаришида бир неча қош ҳаракатлари, турли хил қовоқ ва оғиз ўзгаришлари назарий жиҳатдан тадқиқ қилинган [2.112].

Ўтган асрнинг 80 - йилларидан бошлаб ўзбек тилшунослигида ҳам алоқа-аралашув жараёнида вербал воситалар билан биргалиқда новербал воситалар ҳам муҳим роль ўйнаши ҳақида тадқиқотлар юзага кела бошлиди [3.87; 4.32; 5.2; 6.158].

Алоқа-аралашув жараёнида новербал воситалар вербал воситалар билан ёндош ҳолда қўлланилиши, диологик нутқ ҳосил бўлишида муҳим аҳамият касб этиши, ҳар бир тилда мавжуд бўлган бундай воситаларни тадқиқка тортиш долзарб вазифалардан бири ҳисобланади.

Ўзбек ва немис халқларининг алоқа-аралашув жараёнини ўрганар эканмиз, сўзловчи маълум ахборотни тингловчига етказиш жараёнида қўл, бош, гавда, елка, юз ҳаракатлари, овознинг паст ёки баландлигини, чўзиқ ёки тўхталиб талаффуз қилиниши муҳим аҳамият касб этади. Бундан шуни англаш мумкинки, новербал воситалар эътибордан четда қолдирилиб, нутқий жараён тадқиқ этилса, лисоний таҳлил тўлақонли бўлмайди.

Новербал воситалар алоқа-аралашув жараёнида қўлланилиб, асосан паралингвистикада ўрганилади. Паралингвистика диологик нутқни тўлдириб, изоҳлаб келувчи, ахборот узатувчи, фикр ифодалашда ёрдамчи восита саналувчи тилшунослик соҳасидир. Бундай воситалар ахборот узатиш жиҳатидан тилшунослик билан чамбарчас боғлиқдир. Табиийки, инсон тил орқали мумалага киришар экан, маълум ахборотни тингловчига етказиш жараёнида турли воситалардан фойдаланади.

Немис ва ўзбек тилларида алоқа-аралашув жараёнида қўлланилувчи новербал воситалар лисоний бирликлар ўрнида ишлатилиши ёки маълум бир фикр ифодалашда ёрдамчи вазифани бажаришини биламиз. Ҳар иккала тилда ҳам "жим", "Ruhe" сўзлари орқали бериладиган тушунчани кўрсаткич бармоқни лабга босиш орқали ҳам англатиш мумкин ва сухбатдош ҳар икки ҳолда бир ахборотни икки хил белги ёрдамида қабул қиласди.

Тадқиқотлардан маълум бўлишича, гарчи вербал ҳолатда "ҳа" ва "йўқ" орқалигина ифодаланса ҳам, тасдиқ маъноси 50, инкор маъноси эса 500 дан ортиқ усул билан ифодаланиши мумкин.

Барча тилларда фикр ифодалашда сўзга (вербал восита) ёрдамчи восита сифатида турли қўшимча сўзсиз (новербал восита) воситалардан фойдаланилади. Кўп ҳолларда айтилган фикр новербал воситаларсиз ялангоч, мантиқсиз бўлиб қолаверади. Шу сабабдан сўнгги йилларда алоқа-аралашув жараёнида иштирок этадиган новербал воситаларни тадқиқ қилиш Европа тилшунослари эътиборини тортмоқда. Кишилик жамияти пайдо бўлгандан бери тил бирга шакланган ва уни тўлдириб келаётган воситалар бир қатор фанларда тадқиқот обьекти бўлган. Новербал воситаларни этнографлар халқ, элат, миллатнинг ўзлигини кўрсатувчи урфодатлари, одоб шакллари, миллий ишоралар деб ўргансалар, тарихчилар кишилар қўллайдиган имо-ишораларни халқ тарихи билан боғлиқ ҳолда тадқиқ қиласдилар. Психологлар эса новербал воситаларни сўзлашувчиларнинг психологик муносабатлари асосида ўрганадилар. Физиологлар новербал воситалар киши органлари ҳаракатидан иборат бўлганлиги туфайли, органлар ҳаракати бошланиши, давом этиши ёки тугаш жараёнларини тадқиқ этадилар.

Т.М.Николаева ва Б.Л.Успенскийлар паралингвистиканинг ўрганиш обьектига нисбатан қуйидаги фикрни билдирадилар: "Нутқий фаолиятни кузатиб борувчи барча ҳолатлар паралингвистиканинг обьектига киради". Улар паралингвистикага нутқнинг баландлиги, пастлиги, ритми, тезлиги кабиларни ва, ҳатто, вербал воситаларсиз тушуниш мумкин бўлган кулги, йиғи, хўрсинишларни ҳам кўрсатади [7.118].

## ТИЛШУНОСЛИК

М.Т.Вайзе “Алоқанинг новербал маркери жумласига рақамлар, ҳарфлар, параграф типидаги белгилар киради”, деб тушунтиради [8. 82].

Новербал воситалар маданиятлараро турли хилдалиги ёки ўхшашлигини кузатиш мумкин. Масалан, кўз орқали саломлашиш барча халқларда бир хил бўлса ёки саломлашишда гавда яқинлиги баъзи халқларда турли хиллиги кузатилади. Масалан, Ҳиндистон ва Хитой давлатларида оила аъзоларидан ташқари саломлашишдаги гавда яқинлиги умуман кузатилмайди. Бунга қарши ўлароқ Европанинг жанубий мамлакатларида, яъни, Испания ёки Италияда саломлашишда гавда яқинлиги муҳим роль ўйнайди. У оила аъзосими ёки бегона бир шахсми – бунинг аҳамияти йўқ.

Немисларда ҳам саломлашишда гавда яқинлиги муҳим ўрин тутади. Оила аъзолари, қариндош-уруғлари ёки дўст-биродарлари билан баъзан қучоқлашиб, баъзан эса қўл бериб ва баъзан оддийгина “Hallo” деб қўлни силкиб сўрашилса, расмий доираларда қўл бериб сўрашиш ёки бу доирада аёл киши бўлса, унинг мавқеидан қатъий назар (котиба, оддий ходим), олдин аёл киши билан сўрашилди.

Ўзбекларда бу ҳолат немисларга нисбатан бироз фарқ қиласди. Оила аъзолари, қариндош-уруғлари ёки дўст-биродарлари билан, агар узоқ муддат кўришмаган бўлса, қучоқлашиб кўришадилар, оддий ҳолларда оила

аъзолари билан қўлини кўксига қўйиб “Ассалому алайкум”, деб сўрашилса, аёллар билан эркакларда саломлашиш бироз фарқ қиласди. Расмий доираларда, жинсидан, қатъий назар, қўл бериб саломлашилса, норасмий доираларда аёллар бир қўлларини ёки иккала қўлларини бир-бирларининг елкаларига қўйиб, эркаклар эса қўл бериб ёки қулоч очиб саломлашадилар. Ҳозирги кунда ёш йигитлар саломлашишда қўл беришдан ташқари бошларини бир-бирларига уриштириб саломлашмоқдалар.

Михаил Аргил ўзининг “Новербал мулоқот” номли китобида турли маданиятларга оид мисоллар келтиради. Масалан, Европада ҳаёт тарзи юқори даражада бўлган вақтда, Ғарбий Африкадаги аёллар ҳатто лиboslar ҳам киймаган.

Киши бирон-бир тилни ўрганар экан, у, албатта, ана шу ўрганилаётган тилнинг урф-одатлари, миллий маданиятларини ҳам ўрганиши лозим. Чунки киши тилни тўла билгани билан унинг урф-одатлари, миллий маданиятидан бехабар бўлса, сухбатдошни тўлиқ тушуниб етмайди. Улар маданий тўсиққа учрайдилар.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, новербал мулоқот ҳис-туйғуларнинг шаффофлигини ифодалашда ёрдамчи восита сифатида ёки вербал мулоқотдаги яширин мақсад, эҳтиёж, нуқтаи назар ёки ҳис-туйғуларни аниқ баён этишга, оғзаки нутқ устуворлигини кучайтиришга хизмат қиласиган воситалар сирасига киради.

## Адабиётлар:

1. James. Körpersprache. – Myers, 2008.
2. Ibelgaufs, Renate . Körpersprache. Wahrnehmen, deuten und anwenden. – Augsburg: Weltbild Verlag GmbH Argyle, 2005.
3. Ҳожиев.А. Лингвистик терминларнинг изоҳли луғати. – Т.: Ўқитувчи, 1985.
4. Нурмонов.А. Ўзбек тилининг паралингвистик воситалари. – Андижон, 1980.
5. Нурмонов.А. Гап ҳақидаги синтактик назариялар. – Т., 1988.
6. Абдуазизов.А. О статусе паралингвистических средств и критериях их установления. Сборник научных трудов – ТашГУ, №543, 1978.
7. Николаева Т.М., Успенский Б.А.. Рецензии о новых работах паралингвистики. Вопросы языкоznания, 1965, №6.
8. Вайзе М.П. Вербальные и невербальные маркеры связи в тексте научной статьи. Сборник научных трудов. МГПИИЯ. №160.

(Тақризчи: Ш.Искандарова, филология фанлари доктори, профессор).